Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган 1999 йил 11 август, чоршанба Баҳоси сотувда эркин нархда № 65 (7158)

Da`vat

Ҳаёт йўлида биринчи масала мактаб масаласидир.

Абдурауф ФИТРАТ

Ibrat

Зарафшон шаҳрида 600 ўқувчига мўлжалланган касб-ҳунар коллежи қуриб битказилмоқда. Коллежга қарашли 250 ўринли ётоқхона биносида ҳам сўнгги пардозлаш ишлари олиб борилмоқда. Мазкур таълим муассасасини Мустақиллик байрами арафасида фойдаланишга топшириш кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Ф А Р М О Н И

Республикада жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришда алоҳида ўрнак кўрсатган ходимларни мукофотлаш тўғрисида

Республикада жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, спорт соҳасида Ўзбекистоннинг шон-шуҳрати ва шарафини юксалтиришга қўшган салмоқли ҳиссаси ҳамда маънавий, жисмоний жиҳатдан соғлом ёш авлодни камол топтириш ва юқори маҳоратга эга бўлган спортчиларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашдаги хизматлари учун қуйидагилар мукофотлансин:

2-даражали "Соғлом авлод учун" ордени билан

Абдумовлянов Абдумўмин Абдиқаҳорович — Бекобод шаҳар Каратэ миллий федерацияси президенти

"Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози" фахрий унвони билан

Нафасов Нурхон Зиятович — Ўзбекистон Республикаси Каратэ миллий федерацияси президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1999 йил 9 август.



ИСТИҚЛОЛ ИНОЯТИ

«Ma'rifat» anketasi

1. Мустақиллик — сизнинг тақдирингизда...
2. Ў сизга нима берди?
3. Ва сиз Ватан мустақиллигини мустаҳкамлашга қандай ҳисса қўшяпсиз?

1. Мустақиллик...

Аввало, бу менинг тақдиримдан қарамлик, тобелик каби тамғаларни олиб ташлади. Қолаверса, эркинлик, ҳурлик берди. Аслида бу тушунчани шахс ёки ташкилотлар тимсолида шарҳлагандан кўра, мамлакат мисолида ифода этиб бериш завқлироқ ва шарафлироқ. Масалан, юртимиз мисолида: ўтган 8 йилнинг ҳар бир йили, ойи ва кунларига назар солсак, янгилик ва ўзгаришлар дунё-дунё. Қўшма корхоналарнинг қурилиши, тадбиркорлик, қанчадан-қанча жамғармаларнинг вужудга келиши...

Буларнинг бари мустақилликнинг орқасидан, унинг шарофатидан ва ҳосиятидан.

2. Мустақилликнинг инъом этган нарсалари кўп, айтиб адо қилолмайман. Институтимизда хорижий давлатлар билан ҳамкорлик алоқалари кучайди. 20 дан ортиқ киши Венгрия, Англия, Америка, Италия, Польша ва МДҲга аъзо мамлакатларда малака ошириб қайтишди. Шулар орасида ўзим ҳам борман.

Хорижий мамлакатларга хизмат сафарини уюштиришда БМТ ва Сорос халқаро жамғармаси ёрдам қўлини чўзмоқда. Йўл ҳақи ва 5 кунликдан 1 ойгача бўлган хизмат харажатларига етарли грантлар ана шу ташкилотлар кўмаги туфайлидир.

3. Жамиятдан фақат олиш эмас, балки унга бериш ҳам керак. Сиёсий жиҳатдан етук ва онгли шахсларнинг ҳар бири, ўйлайманки, шу фикрда. Жумладан, ўзим ҳам мустақилликни қай тарзда мустаҳкамлаш кераклиги тўғрисида кўп бош қотираман. Ва шундай жавоб топаман: қулингдан келган ишни виждонан бажар! Қулинг қалталик қилганларига эса ён-атрофдагилардан, тегишли ташкилотлардан мадад сўра! Ҳаммасини уддалаш мумкин, фақат ҳафсала ва уқув бўлса!

Гулнора ТУРСУНОВА,
Тошкент Давлат юридик институти халқаро бўлим бошлиғи

JUMLADA JAHON

• **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга Жиззах вилояти Мирзачўл туманининг қозоқ миллатига мансуб бир гуруҳ зиёлилари мактуб йўллашиб, Президентимиз олиб бораётган одил ва оқилона сиёсатнинг энг биринчи натижаси юртимизда қарор топган тинчлик, осойишталик, барқарорлик, миллатлараро ва фуқароларо тотувлик эканлигини мамнуният билан баён этганлар.**

• **Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти Европа минтақавий бюросининг мамлакатларда соғлиқни сақлашни ривожлантириш департаменти директори Жужанна Якоб раҳбарлигидаги делегация аъзолари 9 август куни Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасига ташриф буюрди.**

• **Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳайъатининг кенгайтирилган мажлисида 1999 йилнинг биринчи ярмида давлат бюджетининг бажарилиши якунлари ва республика молия органларининг Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 27 июлдаги мажлисида сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган вазифалар кўриб чиқилди.**

• **Россия Федерацияси Президенти Борис Ельцин ҳукумат раҳбари Сергей Степашинни истеъфога чиқарди, унинг ўрнига Россия Федерал хавфсизлик хизмати директори, хавфсизлик кенгаши котиби Владимир Путиннинг номзоди қўйилди.**

• **Грузин ва немис археологлари ҳамкорликда Грузия шарқидаги Раманис туманида ўтказган қазиш ишлари натижасида бундан 1 миллион 800 минг йил олдин яшаган одамнинг калла суяги топишди.**

• **Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) бугун юз берадиган қуёш тутилишини махсус кўзойнакларсиз кузатиш хавфли эканлиги тўғрисида огоҳлантириш эълон қилди.**

• **Афғонистон Бирлашган фронти раҳбари Аҳмадшоҳ Масъуд жаҳон ҳамжамиятини 250 минг нафар қочқинга инсонпарварлик ёрдами кўрсатишга чақирди.**

МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ – МИЛЛАТ НЕГИЗИ

Маълумки, шу йил июль ойининг бошларида республика Маънавият ва маърифат Кенгаши ташаббус гуруҳининг мажлиси бўлиб ўтганди. Ушбу мажлис иштирокчилари қабул қилган қарорга кўра, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, шаҳарлар ва туманларда Кенгашнинг бўлимларини ташкил этиш бўйича ташаббус гуруҳларининг йиғилишлари ўтказилиб, республика Кенгаши таъсис конференциясига делегатлар сайланди.

Куни кеча эса Тошкентда республика Маънавият ва маърифат Кенгашининг таъсис конференцияси бўлиб ўтди. Унда вилоятлардан сайланган делегатлар, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, маънавий-маърифий тарғибот, тарбия йўналишларида фаолият кўрсатаётган вазирликлар, қўмита ва компаниялар, идоралар, жамоат ташкилотлари, ижодий уюшмалар раҳбарлари, фан ва маданият арбоблари, уламолар иштирок этди.

Ўзбекистон Бош вазири ўринбосари, республика Маънавият ва маърифат Кенгашини тузиш бўйича ташкилий гуруҳ раҳбари Ҳ.Кароматов конференцияни очар экан, халқимиз маънавияти ва маърифатини юксалтириш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналиши эканлигини, бу жараёнга маҳаллий ҳокимият идоралари, ижодкорлар, олимларни янада кенгроқ жалб этиш лозимлигини, умуман, бу борадаги ишларни янги босқичга кўтариш зарурлигини таъкидлади. Республика Маънавият ва маърифат Кенгашини тузиш зарурати ҳам айнан шундан келиб чиқади.

Конференцияда сўзга чиққан ёзувчилар Саид Аҳмад, А.Орипов, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Диний ишлар қўмитаси раиси Ф.Собиров, Жиззах вилояти ҳокими Ш.Мирзиёев, "Миллий тикланиш" газетаси бош муҳаррири И.Ғафуров ва бошқалар Кенгашнинг мақсад ва вазифалари, фаолият Дастури хусусида батафсил гапирдилар.

Анжуманда таъкидланганидек, республика Маънавият ва маърифат Кенгаши жамиятимиз барча аъзолари, айниқса, ёшлар ўртасида миллий ғоя ва миллий мафкурага таянган ҳолда, миллий ва умумбашарий қадриятларга асосланган демократик тамойилларни қарор топтириш орқали инсонни улуғлашга, жисмонан соғлом, дунёқараши теран фуқароларни камол топтиришга йўналтирилган ишларни амалга оширади. Кенгаш мамлакат аҳлини истиқлол ғояларига садоқат, она заминга меҳр-муҳаббат, озод ва обод Ватан қуришдек улуғ ва олижаноб мақсадга эътиқод, жасурлик ва фидойилик руҳида тарбиялашга мўлжалланган тарғибот-ташвиқот ишларининг асосий йўналишларини белгилайди ва амалга оширади. Бу режаларни рўёбга чиқариш учун Кенгаш қарорларини жойларда амалга ошириш ва тарғибот-ташвиқот тадбирларини уюштирувчи ташкилий гуруҳ — "Маънавият ва маърифат" маркази фаолият олиб боради.

Конференцияда республика Маънавият ва маърифат Кенгашининг фаолият Дастури ва Низоми қабул қилинди.

Республика Маънавият ва маърифат Кенгаши раиси этиб Бош вазир ўринбосари Ҳ.Кароматов, Кенгаш раиси ўринбосарлари этиб Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчилари А.Зиё, Н.Жўраев сайланди. Кенгашнинг масъул котиби — "Маънавият ва маърифат" маркази раҳбари этиб Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги бош директори вазифасида ишлаб келаётган А.Болиев сайланди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т.Алимов сўзга чиқди.

(ЎзА)

Ўқитувчи ёнидаги дафтарига

БУЙРУҚНИ БАЖАРАДИ

Германиялик ихтирочи Ганс Кемпф яратган автомашина ўз ҳайдовчисининг оғзаки буйруғига кўра, эшикларини очиб-ёпади, статерини ишга туширади ва чироқларини ёқади, ҳатто ўриндиқлари ҳолатини ҳам ўзгартиради. Фақат ҳаракатни бошқаришдагина машина эгасининг амалий ёрдами керак бўлади.

ЭҲТИЁТ ЧОРАСИ

Франциялик муҳандис Пьер Константе яратган ихтиро ҳам эътиборга молик. «Алкостоп» деб номланган бу қурилма машинанинг ўт олдириш системасига уланади. Ҳайдовчи машинани юргизишдан олдин «алкостоп»га пуфлаши керак. Мабодо унинг нафасида озгина бўлса-да спиртли ичимлик ҳиди сезилса, қурилма автомобилни умуман ҳаракатга келтирмай қўяди.

КЕЛГУСИ ЙИЛГИ РЕЖА

Япония маориф вазирлиги қошидаги коинот ва фалакиёт тадқиқотлари олийгоҳи бир гуруҳ мутахассислар иштирокида 2000 йилда Марсда юрадиган махсус фазовий кема яратмоқчи. Марс қатламининг турли чуқурликдаги тупроқларини текшириб кўриш имкониятини берувчи мазкур кема, мутахассисларнинг таъкидлашларича, узлуксиз беш йилгача ишлай олади.

КЕСКИН ЧОРА

Бундан буён Голландияда мактабга сабабсиз кечиккан ўқувчининг ота-онаси 50 доллар, боласи дарсга бир кун келмаган ота-оналар эса, 300 доллар жарима тўлайдиган бўлди. Мамлакат таълим вазирлигидагилар мазкур кескин чорани қўллаш билан интизомсиз ўқувчилар сонини камайтиришни умид қилишмоқда.

Tuhfa

ТАШАББУС САМАРАСИ

Энг яхши совға — кўпчиликнинг, яъни халқ манфаатини ўйлаб амалга оширилган эзгу ишлардир. Амударё туманидаги "Оқ олтин" жамоа хўжалиги раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати Олламберган Холимбетовнинг ташаббуси билан жамоа хўжалиги маблағи ҳисобига 7- мактаб учун 422 ўринли янги кўркам бино қурилиб, болажонларга туҳфа этилди.

Шунингдек, мустақиллик байрамининг шонли саккиз йиллик шодиёнасини Қўнғирот туманида барпо қилинаётган улкан иншоот — сода заводи қурувчиларининг фарзандлари ҳам қувончли кутиб олмоқдалар. Яқинда кундан-кунга чирой очиб бораётган сода заводи қурувчилари шаҳарчасида давлат маблағи ҳисобига 95 ўринли икки қаватли болалар боғчаси бунёд этилиб фойдаланишга топширилди. Мазкур кичкинтойлар масканини "Оролсувқурилиш" бирлашмаси (бошлиғи Пўлат Камолов) бинокорлари қисқа муддатларда бунёд этдилар.

Ғойиб ЁҚУБОВ,
ўз мухбиримиз

Savob

МЕҲР САРЧАШМАСИ

Пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги 21-Меҳрибонлик уйида Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги Республика Меҳрибонлик уйларининг тарбияланувчиларини Бўстонлиқ туманида жойлашган «Меҳрибонлик» оромгоҳига жўнатиш маросими ўтказилди.

Меҳрибонлик уйида Республикамизнинг барча ҳудудларидан келган 220 нафар тарбияланувчилар илиқ кутиб олинди. «Биз уларни ўз фарзандларимиз каби кутиб олдик. Кўриб турибсизки , улар учун биз мусиқа дастурини ҳамда ҳомий ташкилот томонидан ташкил этилган мана бу дастурхонни ташкил этдик, - дейди мазкур даргоҳнинг директори Алла Димчук. - Айниқса, мен ўзимнинг алоҳида миннатдорчилигимни Ўзбекистон Фанлар Академиясига қарашли бўлган Энкринология институтининг раҳбари Саид Исмоиловга билдирмоқчиман».

Халқ таълими вазирлигининг бевосита ташаббуси билан ташкил этилган «Меҳрибонлик» оромгоҳида меҳрибонлик уйларининг юзлаб тарбияланувчилари дам олиб, ҳордиқ чиқарадилар. Оромгоҳ 3 сменада ташкил этилган. Сўлим табиат қўйнида жойлашган бу масканда болаларимизга барча қулайликлар яратилган. Оромгоҳда улар учун компьютер хонаси, кутубхона, мусиқа анжомлари ва спорт майдончаси хизмат кўрсатмоқда.

Рўзимуҳаммад СУЛТОНОВ,
ХТВ маънавият ва қўшимча таълим бошқармаси етакчи назоратчи-услубиётчиси

Jarayon

ЎЗБЕК БОЙИСА, БОЛАМГА ДЕБ ИМОРАТ ҚУРАДИ

Биз — ўзбеклар августни яхши кўрамиз. Яхши ниятли ўзбек оиласи йиғиниб-йиғиниб, тўй бошлайди августда. Бу ой юртимизда яхши анъаналар, тантаналар ойи бўлиб қолган. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ 1999 йилда республикамизда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими учун илк бор янги қурилиш ва тубдан реконструкция қилиш ҳисобига топширилаётган академик лицей ва касб-ҳунар коллежларини сифатли қабул қилиш ҳамда 1999-2000 ўқув йилигача тантанали очиш ҳақидаги Президентимизнинг фармойиши ҳам ҳаётимизда муҳим воқеаларнинг, ўзига хос тантаналарнинг кўпаяётгани далилидир. Унга кўра янги академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг ишга киритилиши республикамизда босқичма-босқич амалга оширилаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг юксак амалий натижаси бўлиб, уларнинг очилиши мамлакатимиз ҳаётида муҳим воқеа сифатида тантанали ўтказиладиган бўлди.

Шукур Холмирзаевнинг «Ўзбек характери» деган ҳикояси бор. Ўзлари камсуқум, яшаш шароити мундай, даражаси мунданам мундайроқ бўлса-да, кўнгли очиқ, самимийлиги боис, шум талаба йигитларни, гарчи, уларнинг шумликлари ўзлари устида бўлган эсада, меҳмонга чақириб, ош қилиб берган ўзбек оиласи ҳақида. Ёзувчи миллат характерини шу миллатга мансуб бир оила мисолида ихчам кўринишда очиб берган. Ўзбек характерининг устуни ундаги самимият эканлигини кўрсатиб берган.

Самимият – тозалик белгиси. Шундай тоза миллатнинг самимий удумларидан бири — ҳашар.

Ҳукуматимизнинг таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш йўлидаги дастур ва қарорлари натижаси ўлароқ бугун жойларда кўзга кўринарли саъй-ҳаракатлар бўлмоқда. Жумладан, кўзда тутилган ислоҳотларнинг асоси – мавжуд ўқув юртлари –академик лицей, касб-ҳунар коллежлари жойлашган биноларни қайта таъмирлаш ёки янгитдан қуриш ишлари бошлаб юборилганига анча бўлди. Иқтисодий асос бор жойдагина маънавий ислоҳотлар кўнгилдагидек натижа беришини бугун ҳамма тушуниб етди.

Тошкент коммунал қурилиш коллежини ҳам шундай ёқимли ўзгаришлар қўйнида кўришимиз мумкин. Коллеж жамоаси янги ўқув йилини янги ўқув биносида, жаҳон талабларига жавоб берадиган тарзда қурилган ва замонавий техника ҳамда жиҳозлар билан таъминланган бинода бошлашни ўзгача иштиёқ билан кутмоқда. Ва бу иштиёқ бугун коллеж жамоасидаги барчани – оддий талабадан тортиб, директоргача қамраб олганини кўришимиз мумкин.

Бўлган ва бўлаётган ўзгаришлар билан танишиш мақсадида коллежнинг Маннон Уйғур кўчасида қурилаётган янги биносига борганимизда, вақт тушга яқинлашиб қолган, кун ниҳоятда иссиқ, шундай эсада, у ерда иш ўз маромида давом этаётган эди. Мени кутиб олган коллеж ўқитувчиси Бахтиёр Кўчқорхўжаев билан биргаликда янги бинони кўздан кечириб чиққач, у мени директор ҳузурига бошлади. «Тошуйжойқурилиш» бошқармаси бошлиғи Тоҳир Зокиров бошчилигида келган ушбу қурилиш пудратчилари билан маслаҳат-режа кенгашига шошилаётгани боис, коллеж директори Аббос Хўжаев билан суҳбатимиз қисқа бўлди.

— Коллежимизда кундузги ва сиртқи бўлимларда 1000 дан ортиқ талаба таҳсил олади, — деб гап бошлади директор. – Давлат ва ҳукуматимизнинг бизнинг олдимизга қўяётган талабларига асосан ҳар томонлама етук кадрлар тайёрлашга баҳолиқудрат ҳаракат қилаяпмиз. Шу маънода коллежимиз учун замонавий, янги бинонинг қурилаётгани яхши бўлди. «Тошуйжойинвест» бошқармасига қарашли 159-трест қурувчилари амалга ошираётган ишлардан деярли кўнглимиз тўқ. Баъзи кичик муаммолар, масалан, пардозлаш ишларидаги камчиликларни ҳисобга олмаганда, ишлар тўлиқ режадагидек амалга ошмоқда. Худо хоҳласа, августнинг йигирманчиларигача барча ишларни тўлиқ якунлаб, янги бинога кўчиб ўтиб, Мустақиллик байрамини шу ерда нишонлаб, янги ўқув йилини ушбу бинода бошлаймиз деган ниятдамиз.

(Давоми 2-бетда)

ЎЗБЕК БОЙИСА, БОЛАМГА ДЕБ ИМОРАТ ҚУРАДИ

(Боши 1-бетда)

Директор йиғилишга кириб кетди. Мен эса айланиб, янги бино билан танишувни давом эттираман. Спорт машғулотлари учун мўлжалланган залда коллеж ўқитувчи ва талабаларига дуч келдим. Гап аввалида халқимизнинг гўзал удумларидан бири — ҳашар ҳақида сўз борган эди. Коммунал қурилиш коллежи ўқитувчи ва талабалари ҳам шаҳримизнинг турли корхона ва ташкилотларидан келган ҳашарчилар билан биргаликда коллеж биноси қурилишида меҳнат қилишмоқда экан. «Ҳормангизлар!» — деган хитобимга жавобан, газетадан эканлигимни билиб, улар бизни ҳам ёзинг деб қолишди. Уларнинг баъзиларини суҳбатга тортдим.

Мусулмон САИДАЗИМОВ, Бино ва иншоотларни қуриш ва улардан фойдаланиш бўлими ўқитувчиси:

— Бўлимимиз коллежнинг негизини ташкил қилади. Малакали қурувчимутахассисларни ўқитиб, тайёрлаймиз. Ҳозирги бўлаётган қурилиш-пардозлаш ишларида бевосита иштирок этаётганимиз бизга амалий машғулот вазифасини ўтамоқда, дейишимиз ҳам мумкин. Энг муҳими, шароитларнинг янгиланаётгани. Бу бизнинг имкониятларимизни ошириш билан бирга зиммамиздаги масъулиятни ҳам кучайтиради, албатта.

Норқобил ЎТАЕВ, Меъморчилик ва ёғочга ишлов бериш технологияси бўлими мудири:

— Янги бино, кўриб турганингиздек, тўрт қаватли. Бироқ, уни беш қаватли десак ҳам бўлади. Негаки, подвал ҳам тўлиқ машғулот олиб бориш учун мослаштирилаяпти. У ерда амалий машғулотлар учун замонавий жиҳозланган устахоналар жойлаштирилиши кўзда тутилмоқда. Шароит кўнгилдагидек бўлган жойда иш ҳам унумли бўлади.

Бахтиёр ҚЎЧҚОРХЎЖАЕВ, Инсон ҳуқуқлари ва давлат ҳуқуқи ўқитувчиси:

— Янги жиҳозлар: столстул, компьютерлар, лингофон хоналари, спорт зали, бассейн... юксак даражадаги шарт-шароит.... Буларни ким ҳам орзу қилмайди, дейсиз. Бугун шу орзуларимиз амалга ошиши арафасида турибмиз. Ниятларимиз тезроқ ушалиши учун мана, ҳаммамиз биргаликда ҳаракат қилмоқдамиз.

Ўзбек бойиса тўй қилади ёки уй қуради, дейишади. Йилдан-йилга иқтисодий аҳволнинг ижобий томонга ўзгариб бораётганини давлатимизда олиб борилаётган янгича ўзгариш-қурилишлар мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Тошкентни уч-тўрт йил олдин кўрганлар бугун кўриб, ҳайратга тушаётганлари бор гап. Янги бозорлар, бинолар, кўчалар шаҳримиз кўркига кўрк қўшмоқда. Ҳар йили истиқлол тўйини янги ўзгаришлар билан кутиб олиш ўзига хос удумга айланиб қолди. Тошкент коммунал қурилиш коллежининг янги қурилаётган биноси ҳам мустақиллик байрамимизга муносиб совға бўлишига шубҳа йўқ.

Хусан НИШОНОВ,
«Маърифат» мухбири

Istiqlol farzandlari

ЗАФАР ЗАФАРГА ИНТИЛАДИ

Новча, озғингина, оқсариқдан келган бу йигит Тошкент кимё-технология институтининг озиқ-овқат маҳсулотлари технологияси факультети талабаси. Янгиликка ўч, мияси эса мудом ўй-хаёллар билан банд.

Собиқ иттифоқ даврида Ўзбекистон хом-ашё базаси бўлиб келган ва саноатда чиқинди маҳсулотларидан тўғри фойдаланиш йўлга қўйилмаган эди.

Зафар шу ҳақда бош қотирарди...

Дарсдан ташқари вақтларда эса «Ачитқи маҳсулотлари ва шароб ишлаб чиқариш технологияси» кафедрасида соатлаб қолиб кетарди. Узумнинг банди, пўстлоғи ва уруғи чиқинди ҳисобланишини у ҳам барча сингари эътироф этса-да, вино маҳсулотлари ишлаб чиқариш мумкинлиги унга тинчлик бермасди. Тадқиқот узумни қайта ишлашдан ҳосил бўладиган чиқиндилар – банд, пўстлоқ, уруғлардан экстракт олишга асосланган. Ҳар учала хил чиқиндидан лаборатория усулида олинган вино маҳсулотларини кўплаб миқдорда ишлаб чиқариш мумкин экан. Янгича бозор муносабатларига ўтиш даврида юртимизга турли хил ишлаб чиқариш технологиялари келтирилмоқда. Уларга бизда ҳавас кучли. Лекин имкониятлар кенгайиб бориши билан бу техник жиҳозларни бир-бирига солиштириш, ҳаттоки танлаб ишлатишга шароит туғилди. Ҳар бир мустақил давлатнинг иқтисодий пойдеворини ишлаб чиқариш салоҳияти белгилайди. Ўзимизда етиштирилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини жаҳон андозалари даражасида қайта ишлаш имкониятини берувчи замонавий технологияларни яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш учун мутахассисларга муҳтожлик йўқ. Лекин илмий изланишларнинг аксарияти маблағ йўқлиги сабабли қоғозларда қолиб кетмоқда...

Зафар ана шулар ҳақида ўйлайди, ташвиш чекади... Наҳотки хорижсдан фалон валюта эвазига келтирилаётган технологияларни ўзимизда ишлаб чиқариш мумкин эмас?

Зафарни изланишга ундаб турган нарса нима ўзи?

1. Салоҳият. 2. Фидойилик. 3. Ўқув ва ҳафсала.

Бу хислатлар Зафарнинг характерида мужассам, деб баралла эътироф этишади устозлари. Институт маркетинг хизматлари бўлимининг бошлиғи, доцент Жавлон Шарипов Зафар ҳақида шундай дейди:

— Курсдошлари таътилда, Зафар эса институтда. Мунчалик жонини қойитмаса дейман? Бунақа йигитлар юзтадан битта чиқиши мумкин. Устозлари Олга Саприкина, доцент Санаев, Абдураззоқова раҳбарлигида илмий тадқиқот олиб боряпти. Натижалар чакки эмас. Чиқиндилардан ҳам маҳсулот олиш мумкин экан.

Билим — чексиз уммон. Шу жиҳатдан олганда, Зафар изланишларини давом эттириш ниятида. У институтнинг бакалавриатура босқичини тамомлаб, магистратурада ўқимоқчи. Кейинчалик аспирантура... Эҳтимол докторантурага ҳам қўл урар...

Зафар Аҳмедов билан танишар эканман, «зафар» сўзининг луғавий маъноси ҳақида ўйлаб қолдим. Интилганга толе ёр бўлаверади. Бу йигитга нисбатан «исми жисмига монанд» ибораси ҳам гўёки қўл келади.

Бугунги ёшларнинг айримлари шаънига фақат мақтов ёғилади. Айримлари эса таъна-дашном остида. Биз Зафар сингари ардоқдаги йигит-қизлар кўпайишига хайрихоҳмиз.

Ҳ. ТЎЙМАНОВА

Qutlug' ostona

ЖАҲОНГА ЮЗ ТУТАДИГАН ЛИЦЕЙ

Бу йил мамлакатимизда ташкил этилаётган академик лицейлар сони яна биттага ошадиган бўлди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси фармойишига мувофиқ 1999 йил 1 сентябрдан Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети қошида янги академик лицей ўз фаолиятини бошлайди. Айни пайтда мазкур университетнинг «В» биносида жойлашган қабул ҳайъати лицейнинг иқтисодий, ижтимоий гуманитар ҳамда хорижий филология йўналишлари бўйича ўрта мактабнинг 9 - синфини аъло ва яхши баҳоларга битирган, чет тили (инглиз), математика, иқтисод ва ижтимоий фанларга қизиқувчи ўқувчиларнинг ҳужжатларини сараламоқда. Эътиборлиси, бу йилги абитуриентлар ўқишга қабул қилиш учун умумий ҳужжатлардан ташқари жойлардаги ҳудудий ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик - педагогик ташхис марказлари тавсияномасини ҳам тақдим этишлари лозим.

Шунингдек, бу ерда инглиз тили, ўзбек тили ва адабиёти, рус тили ва адабиёти, тарих, математика, ЭҲМ, география, химия, биология, физика фанларини чуқур ўқитиш учун юқори малакали ўқитувчилар орасида ҳам танлов эълон қилинган.

Келажакда жаҳонга юз тутадиган академик лицейда билим олиш истагида юрган ўқувчилар ҳамда ўз иқтидори, билими ва тажрибаси билан ўртоқлашгиси келган барча малакали ўқитувчилар ҳам мазкур даргоҳга таклиф этилади.

МУХБИРИМИЗ

Yangicha ish usuli

ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ЯНГИ ЛИЦЕЙ ЎҚУВЧИЛАРИ ЯНГИЧА ИШ УСУЛИ ҲАҚИДА ФИКРЛАРИ

Халқимизда янги уйга янги буюмлар билан кириш каби яхши бир анъана шаклланган. Бу анъана йиллар ўтса ҳам асло унутилмайди, йўқолмайди. Зеро, инсон эндигина қурилиб битказилган ёки тубдан таъмирдан чиққан уйни мукаддас макон ҳисоблаб, эзгу ниятлар билан бу уйга янги жиҳозлар харид қилади. Буларнинг барчаси, албатта, яхшиликнинг, фаровонликнинг белгисидир.

Ана шундай туйғулар яқинда пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ»да очилган кўргазма билан танишиш асносида кўнглимизда кечди. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ташкил этган ушбу кўргазмани давлатимиз раҳбари Ислом Каримов кўриб, ўзининг таклифлари, фикр-мулоҳазаларини билдирганидан ҳабарингиз бор. Бугун эса «Ўзэкспомар-каз»нинг 5-павилиони келувчилар билан гавжум. Уларнинг орасида лицей-коллежларнинг ўқувчи-ўқитувчиларидан тортиб турли хил вазирликлар, ташкилотлар ва пойтахтимиз мехмонлари бор.

Академик лицей ва касб-ҳунар коллежларини жиҳозлаш учун режалаштирилган намунали ўқув хоналари, устахоналар, кўргазмали ўқув қуроллари ва тренажерлар намойишига бағишланган ушбу кўргазманинг асл мақсади ҳам бу йил мамлакатимизда янгидан ташкил этилаётган ўрта махсус таълим муассасаларини замонавий ўқув жиҳозлари билан таъминлашдан иборат. Ушбу кўргазмани ташкил этишдан яна бир мақсад,юртдошларимизни янги лицей ва коллежларимизни замонавий асбоб-ускуна, жиҳозлар билан таъминлаш учун эълон қилинган тендерда ғолиб чиққан корхона, ташкилотларнинг маҳсулотлари билан таништиришдир. Маълумки, ўша тендерда нафақат давлат муассасалари, балки қўшма корхоналар, хатто чет эллик ишлаб чиқарувчилар ҳам иштирок этишган.

Кўргазмадан ўрин олган она тили ва адабиёт, биологи-анатомия, автомобиллар тузилиши, физика, хорижий тиллар (лингофон), информатика ўқув хоналари, радиотелеаппаратура ва ускуналарни монтаж қилиш ҳамда тикувчилар лабораториялари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари учун тайёрланган махсус кийим намуналари ҳамда телерадиомарказда маҳаллий саноат корхоналари, қўшма корхоналар ва хорижда ишлаб чиқилган асбоб-ускуналар, мебеллар жамланган. Мисол учун, биология-анатомия ўқув хонасини олайлик. Бу ердаги ўқитувчи ва ўқувчилар учун стол-стулларни «Кроноснинг ДА» корхонаси ҳамда «Мусаввир» илмий-ишлаб чиқариш маркази, компьютер учун столни «Катрис» фирмаси (Тошкент), синф доскаси ва махсус экранни эса «ДЖК-ЛИК» кичик корхонаси (Андижон), телевизорни «Ўз-Самсунг» қўшма корхонаси, овоз кучайтиргични «MSA» масъулияти чекланган жамияти, кўргазмали ўқув қуроллари ва экспонантларни сақлаш учун махсус шкафни «Тошкентмебель», мультимедиа видеокомпьютер мажмуасини «Ўзбўқувавтоматика» ва ушбу хонага зарур бўлган 30 дан зиёд номдаги одам аъзоларидан иборат кўргазмали қуроллар ва экспонатларини «Медикал» қўшма корхонаси тақдим этган. Самарқанддаги «Эл» инновацион фирмаси мазкур тиббиёт хонаси учун зарур микроскоп келтирса, видеонигох (видеоко) ускунаси Жанубий Кореядан олиб келинган. Кўриб турганингиздек, асосий асбоб-ускуналар, жиҳозлар ўзимизда ишлаб чиқилган. Давлатимиз сиёсати ҳам ана шунга қаратилган: замонавий ўқув хоналарининг жиҳозланиши мўмай маблағ эвазига хориждан келтирилган асбоб-усканалар хисобига эмас, балки ўзимизда ишлаб чиқарилган махсулотлар хисобига бўлиши лозим.

Асбоб-ускуналар ўзимизда чиқаяпти экан, демак уларни ишлата оладиган мутахассис кадрлар ҳам ўзимизда тайёрланиши керак. Бу ҳақда Президентимиз кўргазмага ташрифи чоғида алохида тўхталиб, ихтисослаштирилган синфларда таълим бера оладиган мутахассислар тайёрлаш асосий масала эканлигини, агар улар бўлмаса бу ускуналар фақат экспонатлигича қолиб, эзгу ниятларимизга эришишимиз қийинлигини қайд этганди. Шунингдек юртбошимиз янги академик лицей хамда касб-ҳунар коллежларини қуриб, ундаги синф хоналарини замон талаблари даражасида жиҳозлаш билан бирга, янги ўқув технологияларини жорий қилишнинг муҳимлиги хақида ҳам тўхталди.

Хўш, замонавий асбоб-усканалар, жиҳозлар ёрдамида таълим жараёнига ушбу янги педагогик технологияларни олиб кирувчилар кимлар? Албатта, ўз соҳасига оид юқори маълумоти бўлган, тажрибали ва малакали мутахассислардир. Энди, кўргазмада иштирок этган бир гурух ана шундай амалиётчи мутахассисларни тинглаб кўрайлик:

Одина ИСОМИДДИНОВА, Тошкент Давлат техника университети қошидаги миллий лицей-интернатнинг она тили ва адабиёт ўқитувчиси:

— Кўргазмада намойиш этилаётган она тили ва адабиёт ўқув хонасида ўзгача бир муҳит ҳукмрон. Бу хона замонавий компьютер тизими, мультимедиа видео-компьютер мажмуаси билан жиҳозланган бўлиб, уларнинг ёрдамида адабиёт дарсларида ўтиладиган ҳар бир мавзу бўйича маърузаларни, ушбу дарсда фойдаланиладиган суратлар, хатто фильмларни бир вактнинг ўзида умумий экран орқали бутун синфга бериб бориш имконияти яратилмоқда. Компьютердан фойдаланиб дарс мавзусига оид ахборот, фильм ва слайдлар ёрдамида ўқувчини бутунлай ўтилаётган мавзу оламига олиб кирамиз.

Тўлқин ҲАСАНОВ, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш институти Янги педагогик ва информацион технология бўлими илмий ходими:

— Институтимизда ана шундай янги ўқув хоналари учун махсус компьютер дастурлари тузилаяпти. Масалан, шу кунгача эски ўзбек сўзлари луғати, Алишер Навоий рубойилари ва асарларини ўргатувчи, хамда кирил ёзувида бўлган матнларни лотин ёзувига асосланган янги ўзбек алифбосига ўтказувчи махсус дастурлар ишлаб чикилган. Бундан ташқари иқтисодиётдан, физика-математикадан компьютер дастурлари мавжуд.

Дилором ТЎХТАСИНОВА, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Олий ва ўрта тиббий таълим бўйича ўқув-услубий идораси услубчиси:

— Кўргазмада ўрин олган биология ва анатомия ўқув хонасининг шу кунгача тиббиёт билим юртларида амалий қўлланилаётган махсус хоналардан афзаллик томонлари анчагина.

Авваламбор, бу хона чиройли ва шинам мебеллар тўплами билан жиҳозланган. Замонавий мультмедиа тизими, стол видеокамераси, лазер дискетлар, кодоскоп, электрооптик микроскоп, анатомик жиҳозлар, электрлаштирилган планшетлар, фонтом, тренажер ва бошқа барча воситалардан дарсларни қизиқарли ва сермазмун ўтишда кенг фойдаланилади. Жумладан, таълимда илк бор қўлланилаётган стол видеокамераси барчанинг диккатини ўзига тортмоқда. Видеокамерани микроскоп окулярига, хонадаги жиҳозларга, дарсликлардаги суратларга йўналтириб, ундаги тасвирни телевизор оркали бутун синфга намойиш этиш мумкин. Шунда талабалар хар бири алохида микроскоп билан ишлашнинг ўрнига умумий экран оркали мавзуни ўзлаштиради.

Нурлан УСМОНОВ,
«Маърифат»нинг махсус мухбири

Суратларда: кўргазмадан лавҳалар акс этган.

В.Кириллов олган суратлар.

КЎРГАЗМАДАН КЎЗЛАНГАН МАҚСАД

Mulohaza

ИНСОН УМРИ ҲИСОБЛИ

Инсоният учун Оллоҳ томонидан бир маротаба яшаш учун ҳуқуқ берилади. Ана шу умримиз дақиқа ва сониялар ичида ўтади. Болалигимиз ҳам, ёшлигимиз ҳам кўз очиб юмгунча ўтиб кетар экану, лекин биз ана шу вақт ичида қандай ишлар билан машғул бўлганимизни ўйламай қинғир ишлар қилиб, ёшликка йўяр эканмиз.

Инсон умри ҳисобли. Шунинг учун киши қариган чоғида ўтган умрини сарҳисоб қилаётганида энг аввало, ўзига ўзи "Нега мен доим шошилиб, нимага интилиб яшадим. Интилишим, шошилишим натижасида нимага эришдим ҳаётда, деган саволни беради. Қилган яхши билан ёмон амалларини тарозига солади. Зеро, инсон умри узунлиги билан эмас, балки қилган эзгу ишлари билан ўлчанади.

Умр оқар дарё экан. Инсонга болалик, ўсмирлик ва қарилик нима учун берилади. Инсон умрининг ҳар бир қадамида қинғир, ёмон ишларини тузатиб боришга ҳаракат қилиши учундир балки. Орамизда шундай одамлар борки, уларнинг бутун умри инсониятга яхшилик қилиш билан ўтган. Фарзандларини ҳам оқил ва доно кишилар қилиб ўстириб, эзгу ишларининг авлоддан авлодга ўтиб боришига сабаб бўлмоқдалар. Мана шундай инсонлар ҳаётимиз давомида кўплаб топилишини истардим. Биз улардан ибрат олиб, ҳаётимизнинг биринчи қадамлариданоқ, инсонларга яхшилик ва эзгулик улашиб яшайлик. Ўз келажагимизни ўзимиз ижобий ишларимиз билан безатайлик.

Нодира АЗИЗОВА

Xorijda ta'lim

ГЕРМАНИЯ САФАРИ

Маълумки, Ўзбекистондаги бир қатор пилот мактаблар Европа кенгашининг ТАСИС гуруҳи лойиҳаси асосида ишламоқдалар. Яқинда пилот мактаблари ўқитувчилари, шунингдек Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 майдаги 203-сонли Қарори асосида ташкил этилган тажриба-синов мактаблари ўқитувчилари, мактаб, туман халқ таълими раҳбарларининг бир гуруҳи малака ошириш, хорижий мамлакат таълим тизими билан танишиш мақсадида (жами 22 киши) Германияда бўлишди. Қуйида ушбу сафар таассуротларини ҳикоя қиламиз.

13 июнь куни биз ўтирган самолёт маҳаллий вақт билан 11[05]да Берлинга қўнди. Берлин-Тегел аэропорти (Ғарбий Берлин)да бизни таржимон Юрий Суховей кутиб олди ва автобусда Шарқий Берлиндаги Коперникус меҳмонхонасига олиб борди. Меҳмонхона соат 15 [00]да тайёр бўлишини айтишди. Биз вақтдан фойдаланиб, шаҳарнинг меҳмонхонадан жуда узоқ бўлмаган жойларини, жумладан Ғарбий Берлинни шарқий Берлиндан ажратиб турувчи девор қолдиқларини (ҳар иккала Германия бирлашгач ушбу девор бузиб ташланган, озгина қисмигина харита учун олиб қолинган) кўрдик.

Соат 15[00]да биз Коперникус меҳмонхонасига жойлашдик. Унда барча қулайликлар мавжуд. Хона телевизори кечаси-ю кундузи тўхтамасдан 27 каналдан кўрсатади. Энг муҳими кўрсатувларнинг барчаси (барча каналда ҳам) немис тилида олиб борилади. Фақат бир каналдагина инглиз тилида ахборот берилар экан.

Биз 14 июндан бошлаб ҳафталик иш дастури асосида Германия таълим тизимини ўрганиш учун белгиланган учрашувларимизни бошлаб юбордик.

14 июнь, соат 10 [00]. Эрталабки нонуштадан сўнг, бизга ажратилган махсус автобусда Глинкаштрессе кўчасида жойлашган соғлиқни сақлаш вазирлигига бордик. Таълим вазирлигининг биноси таъмирда бўлиб, унинг ходимлари вақтинча шу бинода ишлашар экан. Бизни маориф ва технология федерал вазирлиги ходими жаноб Геральд Рессел кутиб олди. Жаноб Рессел билан учрашувимиз чоғида биз кўпгина маълумотларга эга бўлдик.

Ҳар икки Германия бирлашгач, унинг аҳолиси кўпайган ва ҳозирги кунда 82 млн. кишини ташкил этади. (Майдони 356 минг кв. км. И.Х.) Пойтахт Бонндан Берлинга кўчирилган. Шу йили кўчириш жараёни бутунлай поёнига етар экан.

Германияда 34 млн. аҳоли ишлаб чиқаришда банд. Шундан 1,6 млн. киши таълим тизимида ишлайди. Германиядаги жами ўқувчилар сони ҳам 1,6 млн.ни ташкил этади. Албатта 82 млн.ли Германияда 1,6 млн.гина ўқувчининг бўлиши ғайритабиий туюлади. Бироқ аҳолининг табиий ўсишнинг ниҳоятда камлиги, аҳоли умумий сонида катта ёшдагилар улушининг кўплиги билан изоҳланади. Бошқача қилиб айтсак, ҳар бир ўқувчига бир ўқитувчи тўғри келади. Шунинг учун ҳам Германия (айниқса Ғарбий сектор)да иш топиш бахт кулиб боққан билан баробар. Ўқитувчилар ўртасида рақобат мавжуд. Ўқитувчилар орасида ишсизлар кўп. У ўз ўрнида мустаҳкам қолиши учун тинимсиз ишлайди, изланади, малакасини оширади. Бу билан ўқитувчи ўзини рақобатбардош қилиб тайёрлайди. Пухта, самарали дарс беришга ҳаракат қилади. Талаба олий ўқув юртини (кўпчилик университетларни тугатишдан олдин биринчи давлат имтиҳонини топширади ва мактабга боради. Мактабда бир - бир ярим йил ишлагач, иккинчи давлат имтиҳонини топширади ва диплом олади. Менимча бу йўл энг тўғри йўлдир. Чунки шу давр ичида талаба (бўлажак ўқитувчи) ҳар томонлама кузатилади ва синалади. Ўз касбига фидойилиги, ўқувчилар билан қандай мулоқотда ва муомалада бўлиши, ўз устида ишлаши, маҳорати ва бошқалар.

14 июнь 13 [30]да Христиан Демократик партияси раис муовини Крестин Рихтер - Котовски хоним билан, 15[00]да яшиллар партиясининг раҳбари Фолькгольц хоним билан учрашувимиз ҳам самарали бўлди ва биз кўпгина маълумотларга эга бўлдик.

Мактабларда дарслар қишин-ёзин эрталаб соат 8[00]да бошланар экан. Дарслар 45 минут давом этади. Қишда соат миллари бир соат орқага суриб қўйилади. Профессор ўқитувчиларнинг ойлик маоши 6 минг маркагача, оддий ўқитувчиларнинг ойлик маоши 5 минг маркагача экан.

Германия ўқитувчилари ойлик ҳақининг юқорилиги бўйича Европада иккинчи ўринда туради. Агар Германияда енгил автомобиллар нархи 2 минг маркадан 12 минг маркагача эканлигини ҳисобга олсак, ҳақиқатдан ҳам ўқитувчилар иш ҳақининг юқорилигига ишонч ҳосил қилиш мумкин. Бироқ олинган иш ҳақининг ярмига яқини коммунал хизматлар (квартира, электр, газ ва бошқалар) учун тўланади.

Германияда икки сменалик мактаблар йўқ. Барча мактабларнинг 1-синфига фақат 13 июнгача етти ёшга тўлган болалар (ўғил-қизлар) қабул қилинади. Таълим тизими қуйидагилардан иборат:

Болалар боғчалари.

Бошланғич мактаб (6 йиллик).

Тўлиқ мактаб (10 йиллик).

Аниқ мактаблар (Ҳунар-техника билим юртлари).

Гимназия (7 синфдан 13-синфгача).

Махсус ўрта таълим берувчи ҳунар-техника билим юртлари.

Олий ўқув юртлари.

Малака ошириш институтлари.

Дарслар икки тилда олиб бориладиган гимназиялар ҳам бор. Масалан: немис-рус, немис-поляк, немис-турк, немис-итальян, немис-испан, немис - француз ва бошқалар. Шуниси қизиқки, бошланғич синфларда қўнғироқлардан воз кечилган.

15 июнь. Эрталаб биз мактаб, ёшлар ва спорт масалалари билан шуғулланувчи сенатда жаноб Томашевский билан учрашдик. Бу ерда олган маълумотларимизга қараганда, мактаблардаги куни узайтирилган гуруҳларда ўқитувчилар эмас, балки тарбиячилар шуғулланар эканлар. Берлинда спортга, циркка ва балетга йўналтирилган интернатлар ҳам мавжуд. Болалар уйлари (биздаги меҳрибонлик уйлари) таълим тизимига кирмас экан. Ақли заиф ўқувчилар, ақли расо ўқувчилар билан аралаш ўқитилади. Фақат ўқиш жараёнида уларга алоҳида эътибор берилади.

Шундан кейин бизни А.Дюрер номидаги мактаб - гимназияга олиб боришди. Бизни гимназия директори У. Шенвельдер хоним кутиб олди ва гимназия ҳаёти билан таништирди.

Гимназияда 450 ўқувчи таълим олар экан. Ҳар йили учта синф ўқувчилари аттестат оладилар. Гимназияда она тили, чет тили, информатика, табиий фанлар ўқитилади. 11, 12, 13-синфларда дарслар курс холида ўтилади. Гимназияда немис болаларидан ташқари руслар, поляклар ва турк болалари ҳам ўқишади. Гимназия Ғарбий Берлин секторида жойлашган бўлиб, ўқитувчиларнинг ҳафталик иш соатлари 25 соат қилиб белгиланган. Синфларда 29-32 тагача ўқувчилар ўқийди. Фанларни ўқувчиларнинг ўзлари танлашади. Ўқувчилар билимларини баҳолаш 6 баллик системада олиб борилади:

1— аъло,
2 — энг яхши,
3 — қониқарли,
4 — етарли даражада,
5 — паст,
6 — мутлақо паст.

Синф раҳбарларини «тутор» дейишади ва уни ўқувчиларнинг ўзлари танлайдилар. Синф раҳбари(тутор)га бир соат қўшимча иш ҳақи ёзилади.

Ўқитувчиларнинг дафтар текширишларига ҳақ тўланмайди.

Bevosita muloqot

«ЎЗБЕКЛИГИМДАН ФАХРЛАНАМАН»

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида уюштирилган журналистларнинг анъанавий учрашуви космонавт Солижон Шарипов билан бўлиб ўтиши кўпларнинг қизиқишини орттирди. Чунки ҳар қандай журналистда коинотга қадами етган миллатдошига саволлари, самимий тилаклари бўлиши табиий.

Айни кунларда 35 ёшни қаршилаётган космонавт 1990 йилда ҳарбий қонун қоидаларидан фарқли ўлароқ, Ю.Гагарин номидаги космонавтлар тайёрлаш маркази раҳбари - генерал В. Шаталовга «Космонавт бўлмоқчиман!..» деган мазмунда мактуб ёзган эди. Ўтган давр мобайнида у ўз орзусига эришганлигига гувоҳмиз.

— Ўзим Ўш вилоятининг Ўзган шаҳрида туғилиб ўсдим. Миллатим ўзбек. Ўзбеклигимдан фахрланаман. Тақдир тақозоси билан Россия фуқаролигини қабул қилганман. Коинотга эса, Америка тупроғидан парвоз қилганман. 1994 йилдан буён «Коинот» илмий ишлаб-чиқариш бирлашмаси билан ҳамкорликда ёшлар аэрокосмик мактаби фаолиятида иштирок этяапмиз. Ишонаманки, келажакда Ўзбекистон тупроғидан коинот илмининг энг ёрқин юлдузлари ўзини намоён қилади. Бунинг учун асос бор, албатта. Ўзбек халқи томирида яратувчан аждодлар қони жўш ураётганининг ўзи бир бахт, — дея ўз мулоҳазаларини изҳор этди космонавт.

Учрашувда журналистларнинг барча саволларига мазмунли ва қизиқарли жавоблар олинди.

Фахриддин КАРИМОВ

Tilimiz — yuzimiz

ТАРИХИЙ СЎЗ ВА АТАМАЛАР

Қадимги ўзбек тили сўз хазинасининг бойлигини, масалан, Алишер Навоий даври бадиий тилида ҳозиргидан уч баробар кўп сўз қўлланганини таърифлашга ҳожат бўлмаса керак. Мустақиллик шарофати билан тилимизнинг сўз бойлигида илгари қўлланиб келинган сўзларнинг қайта истеъмолга кириши ғоят муҳим жараёндир.

Тарихий сўзларни қайта тиклаш, фаоллаштиришда ёзма манбалар (матбуот ва бошқа нашрлар) катта аҳамиятга эга. Чунки бундай сўз ва атамаларнинг кўпчилиги ҳозир сўзлашувда кам қўлланади ёки унутилгандир. Зарур тарихий сўзларнинг нутқимиздан муносиб ўрин эгаллашида, айниқса, «Эски ўзбек ёзуви»нинг ўрта, ўрта махсус ва олий мактабларда ўқитилиши жиддий туртки бўлади.

«Эски ўзбек ёзуви» дарсликларидаги тил ва услуб тарихига оид матнлар, фикрларда келтирилган сўз бойлиги, услубий жилолар ҳозирги тилимизга таъсир этиб, зарур унсурлар ўзлаштирилишига шубҳа йўқ.

Масалан, ўрта мактабларнинг бошланғич синфларида ўзбек ёзуви алфавитига нисбатан алифбо атамаси да хўрус, жирафа ўрнида зуррафа шакллари учрайди. Бундан ўқувчи ҳозирги сўз шаклларининг тарихан қандай бўлганини, ҳозирги тилимиздаги жирафани рус тили асосида туркий тилдан ўзлаштирганини билиб олади.

Тарихий сўзларни қайта тиклаш жараёнида уларнинг шакл ва маъно жиҳатлари тўғри ифодаланишига аҳамият бермоқ лозим. Зеро, тилдаги ҳар бир сўз ёки қўшимчанинг юзага келиш асоси, сабаби бўлади. Шу боис, ҳар бир сўз шаклининг ўз лисоний моҳиятига мос, мантиқан тўғри бўлишига эришиш, айниқса, муҳимдир.

Сўнгги пайтларда эски ўзбек ёзуви алфавитига нисбатан алифбо атамаси қўлланмоқда. Бу шаклнинг ўзбек тили учун ғайритабиий эканлигига аҳамият бермаяпмиз. Ўзбек тилида араб ёзувига асосланган алфавитнинг биринчи ва иккинчи ҳарфларини алиф, бо деб эмас (бу араб тили учун хос), алиф, бе деб ўқиш одатдир. Алифбе сўзи мазкур икки ҳарфни қўшиб ўқишдан ҳосил бўлган ва бу ўзбек тили учун тўғри бўлади.

Матбуот ва бошқа ёзма манбаларда баъзи тарихий атамаларнинг маъноси тўғри ҳис этилмаётир. Масалан, шуаро, фузало, уламо каби атамалар ўзбек тили ўтмишида, худди араб тилидагидек, кўплик маъноси билан ишлатилган. Демак, уларга -лар кўплик қўшимчасини тиркаб ишлатиш хатодир (шуаролар каби).

Илгари (20-30-йиллар) Америқо, Оврупо, қўмита каби шакллар қўлланган бўлса, кейинчалик буларнинг Америка, Европа, комитет каби шакллари тилимизга сингиб кетди. Сўнгги пайтларда яна ўша эски шаклларни қўллашга уриниш бошландики, буни маъқуллаб бўлмайди. Чунки бундай сўзлар эндиликда ўз табиий шаклида ўзлашиб кетган.

Шунингдек, **ноҳия** форсча сўз бўлиб, **«мамлакат»**, **«тупроқ»** маъноларини беради, арабча тайр (**«тайёра»**) сўзи **«учиш»** ва **«қуш»** маъноларини англатиб, ҳозирги пайтда назарда тутилаётган маъноларни англатмайди. **«Президиум»** маъносида қўллана бошлаган раёсат атамаси арабача бўлиб, **«раислик»**, **«бошлиқлик»** маъноларини билдиради. Демак, бу сўзлар кўзда тутилаётган маънога хилоф.

Баъзи тарихий атамаларнинг имлоси бузиб ёзилаётир. Масалан, матбуот тилида **рукн** сўзи баъзан **рукун**, **рукин** шаклларида, **мутаддий** сўзи **мутасадди** ва **мутасаддис** шаклларида ёзилмоқда. Тарихий сўзлар имлосининг бузилиши тарихни ўрганишда ҳам, уни ўқитишда ҳам чалкашликларга сабабчи бўлади.

Русча сўзлардан қочиш баҳонасида баъзан тарихан туркий, лекин кейинчалик рус тили орқали тилимизга қайта ўзлашган сўзларни ҳам ўзбек тили истеъмолидан чиқаришга уриниш ҳолати ҳам юз бермоқда. **Киоск, кирпич, тир, кузов, чайка, каблук** каби сўзлар шулар жумласидандир. Бу каби юзлаб сўзларнинг аслан туркий эканлигини тушуниб, ҳозирги ўзбек тили истеъмолида сақлаб қолиш усулларини илмий-амалий жиҳатдан шарҳлаб бериш керак.

Муҳаммаджон ҚОДИРОВ,
М. Улуғбек номидаги ТошДУ ўзбек тилшунослиги кафедрасининг доценти, филология фанлари номзоди

Fanimiz fidoiylari

МОЗИЙНИ ТИЛГА КИРИТГАН ОЛИМ

Билимга чанқоқлик Бўрибой акани Ўрта Осиё Давлат университетининг Шарқ факультети сари етаклади. 1953 йилда Шарқ факультетини аъло баҳолар билан битиргач, Қорасувга мактаб тарих ўқитувчиси этиб тайинланди. 1957 йилда Бўрихон ака Ўзбекистон ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти аспирантурасига келдилар. Уни Петербург университетига жўнатдилар. Жаҳонга донғи кетган шарқшунос профессор Илья Павлович Петрушевский илмий раҳбарлиги остида тадқиқот олиб бора бошладилар.

1961 йилнинг 16 мартида Петербург университетининг илмий кенгашида «Абулхайирхон даврида кўчманчи ўзбеклар давлати» мавзуида номзодлик диссертациясини ёқладилар. Сўнгра шарқшунослик институтидаги фаолият...

1974 йил 20 июнь куни Санкт-Петербург (собиқ Ленинград)да «XVI асрнинг биринчи ярми ва XYIII асрда Балх хонлиги» мавзуида докторлик диссертациясини ёқладилар.

Бўрибой Аҳмедов ўз илмий фаолиятини тўрт йўналишда олиб борди ва илмий рисолалар чоп эттирди. Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи ва этнографияси, Ўрта Осиё халқларининг X-XIX асарлардаги ижтимоий-сиёсий тарихи манбашунослик...

1. Амир Темур ва темурийлар даврини тадқиқ этишда айниқса домланинг ўрни катта. Бу мавзуда илгари ҳам европалик ва шарқ тарихчилари йирик тадқиқотлар яратган. Аммо академик Бўрибой Аҳмедов темуршуносликни сифат жиҳатдан янги поғонага кўтардилар. Бу поғона тадқиқотчидан қадимги битик асарларни ўқиб, тушунтира олиш салоҳиятини талаб қилади. Бунинг учун тадқиқотчи Бўрибой ака сингари араб ва форс тилларини мукаммал билиши лозим.

Бўрибой Аҳмедов 60-йилларгаёқ Амир Темур тарихига доир битик манбаларни ўқиб чиққан эди. 1960 йилда унинг «Хоразмнинг XV аср сиёсий тарихига доир» тадқиқоти бунга гувоҳлик бера олади.

Домла юқори малакали шарқшунос олимлар етиштиришга ҳам катта ҳисса қўшиб келмоқда. Унинг шогирдлари Ўзбекистон Республикаси, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Афғонистон ва бошқа хорижий мамлакатларда илмий фаолият кўрсатиб келмоқда.

Алломанинг хорижий мамлакатлардаги шарқшунослар билан ҳамкорлиги, алоқаси катта самара бермоқда. Масалан, В.Ф. Минорский ва Хилда Хўкэм хонимларнинг саъй-ҳаракати билан Британия музейи, «Индиа офис» кутубхоналаридан ноёб битик манбалар микрофильмини олишга муваффақ бўлдилар. Мирзо Улуғбекнинг «Тарихи арбаъ улус» асари нусхалари бизда йўқ эди. Асар нусхасининг қўлга киритилиши Ўзбекистон тарихи манбашунослигини бойитди.

Домланинг илмий тадқиқотлари, мураббийлиги ва фандаги ташкилотчилиги 1989 йилда ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланди: Аллома Ўзбекистон Фанлар Академияси муҳбир аъзолигига сайланди, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби фахрий унвонига, Беруний номидаги Республика давлат мукофоти лауреатлигига мушарраф бўлди.

1991 йил 1 сентябрида Республика мустақиллигининг қўлга киритилиши домла Бўрибой Аҳмедовнинг курашчига-куч, ғайратига-ғайрат қўшди.

Айниқса, Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон тарихини янги нуқтаи назардан, мустақиллик мафкураси асосида ўрганиш бўйича кўрсатаётган кўп ғамхўрликлари олимга илҳом берди, ушалмай қолган орзуларини рўёбга чиқаришга илҳомлантирди.

Мустақиллигимизнинг саккиз йиллик тўйига домланинг тўёналари арзирли ва салоҳиятлидир.

Тарихимизнинг кам ўрганилган XVI асрига доир Ҳофиз Таниш Бухорийнинг «Абдулланома» асарини ўзбекчага ўгириб, «Шарқ» нашриёт-матбаа концернида чоп эттирдилар. Ҳар жилди 40 босма табоқдан иккита жилдлик китоб ўз мухлислари қўлига тегмоқда.

Бешинчи синф ўқувчилари учун «Ўзбекистон тарихидан ҳикоялар» дарслиги ҳам домла ижодининг маҳсулидир.

Ўрта махсус ўқув юртлари учун «Ўзбекистон тарихи манбалари» қўлланмасини ёзиб нашрга топширдилар. Асар 18 босма тобоқ.

Амир Темур ҳақидаги 20 босма тобоқлик монографиялари Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиш академиясида чоп этилмоқда.

«Амир Темур ҳақида дарслар қўлланмаси» ёзиб, нашрга топширилди.

Мустақиллик туфайли Республикамизнинг барча нашрлари – газета ва журналлар маънавий меросимизнинг тарғиб қилишга киришдилар. Улар домла Бўрибой Аҳмедовни қанчалик банд бўлишларига қарамай, ҳоли-жонларига қўймай, мақола талаб қилишади. Домла барига улгуради... Улгуришни ўзига бурч деб билади.

Домла бугун 75 ёшдалар.

Шогирдларингиз, ўзбек халқи бахтига соғ бўлинг, муҳтарам Домла!

Наим НОРҚУЛОВ

Бўстонлиқ туманидаги 320 ўринли «Автомобилчи» болалар дам олиш оромгоҳи бутун мавсум давомида дам олувчилар билан тўлиб-тошади. Оромгоҳнинг олти гектар ерида бўй чўзган олма, ўрик, шафтоли, гилос каби уч мингдан зиёд мевали ва манзарали дарахтлар болаларни ёз қуёшининг жазирамасидан асраб-авайлайди.

Оромгоҳнинг спорт комплекси, чўмилиш ҳавзаси, бичиш-тикиш, расм чизиш тўгараклари, кутубхона, маънавият ва маърифат хоналаридаги мавжуд аъло даражадаги шарт-шароит болаларнинг маза қилиб ёз гаштини суришига хизмат қилмоқда.

Д. АҲМАД олган суратлар.

ИЛК ТЎПЛАМ СЕВИНЧИ

Xushxabar



Ижод – кўнгилга экилган «уруғ». Унинг униб чиқиши, ниш уриб кўкариши ва ниҳоят «ҳосил» бериши ижодкорнинг салоҳияти, қолаверса, муҳитга боғлиқ.

Шоирлик – бедорлик, бутун умр изланиш ва бунинг баробарида мухлисларга нимадир тортиқ этиш. Бу «нимадир»нинг китоб ҳолида чоп этилиши анчайин оламшумул гап.

Гапнинг мағизи, «Маърифат» газетасида хушхабар тарқалди: «Алишер Назарнинг илк тўплами чоп этилибди!».

Алишерга қутловлар ёғилди...

Дарвоқе, таҳририятимиз адабиёт ва санъат бўлимининг муҳаррири Алишер Назарнинг биринчи китоби — «Бизга аталган тонглар» босмадан чиқди.

Бу хушхабар ҳаммадан кўра Қашқадарё воҳасининг Чироқчи туманидаги 135-мактаб ўқитувчиларини тўлқинлантириб юбориши аниқ. Чунки Алишер шу даргоҳда таълим олган.

Китобчанинг илк саҳифасида таниқли шоир Рауф Парфининг дил сўзлари: «Алишер Назарнинг тўплами мени чуқур хаёлга толдирди. Ёш шоирдан ҳали жуда ғўзал шеърлар кутиш мумкин, деб ўйладим...»

Оддий тилакларнинг «юки» нақадар залворли эканлигини ёш шоирга тушунтириб ўтиришнинг ҳожати ҳам йўқ. Алишер шеър ва шуур, мисралар ва улардан маъно чиқариш маромини деярлик эгаллаб олган. Шу боис шоирнинг шеърлари енгил ўқилади ва фавқулодда хулоса қаршисида китобхон бир лаҳза жим қолади.

Тўпламга муаллифнинг жами 40 та шеъри жамланган. Уларни чиройли безакларга «ўралган» ҳикматли сўзларга мувофиқ, туркум шеърлар дейиш мумкин.

Шоир дейди:

О, менинг
топганим, о,
йўқотганим.
Боқ, етим севгига
дор тикаяпман.
Сендан қолган
кўксимдаги
шудгорга,
Энди кечалари
шеър экаяпман.

Хуллас, Алишернинг изланишлари, ҳаётдаги кузатишлари фалсафий. Шеърлари билан кўнгилларни забт этишга «шайланган» ёш шоирга тилакларимиз бисёр:

Ижод йўли – машаққат, машаққат ва яна машаққат! Бу йўлда собит ирода сизга ҳамиша йўлдош бўлсин!

Ҳ. ТЎЙМАНОВА

Ўқувчилар билан бўлган савол-жавоб орқали шу нарса маълум бўлдики, бир синф ўқувчиларининг ярмидан кўпида ўзларининг шахсий компьютерлари бор экан. Шу куни кундуз соат 13 30 да Ғарбий Берлиндаги Университетда жаноб Рюлкер билан учрашдик. Университет биноси жуда узун (ярим км. дан ошса керак). Талабалар 4 йил давомида икки фанни ўқиб, битиргач икки фандан дарс бериш ҳуқуқига эга бўладилар. Соат 15 30 да ушбу ўқув даргоҳининг ҳисоблаш марказида бўлдик. Бу ерда бизга жаноб Рекер ҳамкорлик қилди, маълумотлар берди. Ҳисоблаш маркази 1980 йилда ишга туширилган. Интернет билан боғланган. Йилига 35 млн. марка даромад кўрар экан. Ҳисоблаш марказининг бу пул даромади асосан илмий - оммабоп брошюралар, қўлланмалар, плакатлар, компьютерлар учун программали дискетлар ва бошқалар сотувидан тушар экан.

16 июн 10 30 да Шарқий Германиянинг Бранденбург ерида жойлашган Луиза Генриэтта номидаги гимназияда бўлдик. Бизни гимназия директори жаноб Манфред Нитч кутиб олди ва бизни гимназия ҳаёти билан таништирди. Гимназия биносида 1991 йилгача собиқ СССРнинг, 1994 йилгача эса Россиянинг қуролли кучлари (учувчилари) жойлашган. 1994 йилда Россия қуролли кучлари кетгач, бино қайта таъмирланган ва гимназияга айлантирилган. Гимназияда 745 ўқувчи ўқийди. Гимназия ҳеч қандай фанга йўналтирилган эмас.

Ўқитувчиларнинг иш соати (нагрузкаси) 18 соат қилиб белгиланган. Ўқитувчиларнинг ойлик маошлари 3,5 минг маркадан 5 минг маркагача етади. Ота-оналар ўз фарзандлари учун бир ўқув йилида фақат бир дона дарслик сотиб оладилар. Қолган дарсликларни гимназиянинг ўзи беради. Ўқув йили охирида барча дарсликлар ўқувчиларнинг ўзларида қолади. Бир дона дарслик 40 марка туради.

Бу гимназияда ҳам ўқувчиларга катта эркинликлар берилган. Фанларни ўқувчиларнинг ўзлари танлашар экан. Ўқувчилар театр жанрини ҳам асосий фан сифатида танлашлари мумкин экан. Агар шундай қилинса, ўқувчилар асар танлаб, декорациялар тайёрлаб, уни саҳнага қўйишар экан. Бунда бажарилган барча иш жараёнлари (ўқувчиларнинг актёрлик маҳоратлари ҳам) баҳоланар экан.

Шуни айтиш лозимки, Бранденбург мамлакатнинг энг табиати гўзал гўшаларидан бири экан. Берлиндан чиқиб Бранденбурггача ўрмонлар ёқалаб кетдик. Очиқ жойларга экилган буғдойлар бошоқ олган. Аммо пишиб сарғаймаган. Шунинг учун шамолда яшил денгизни эслатади. Атайлаб экилгандек буғдойзор эгатларида қип-қизил лолақизғалдоқ ва бошқа эфимерлар очилиб турибди. Ҳавоси салқин ва тоза. Киши ўзини ниҳоятда енгил ҳис қилади.

Шу куни кундуз соат 15 00 да Берлиндаги ўқувчиларнинг ерлар бўйича ташкилотида бўлдик. Бу ерда олинган маълумотларга қараганда, Германияда тан жазоси 1960 йилдан бошлаб бекор қилинган. Берлинда 4 млн. аҳоли яшайди. Бу ердаги синфларда ўқувчилар сони 35 - 38тага етади. 15 - 17 июнь куни 10 00 да Германиядаги А.Гумбольд номли кутубхонада бўлиб, унинг иш фаолияти билан танишдик. Бу кутубхонадаги барча иш жараёнлари компьютерларга юклатилган. Кутубхонага келган китобсеварлар барча ўзларига керакли маълумотларни фақат компьютерлар орқалигина билишади. Ўзбекистон ҳақида фақат Бобурийлар давригача бўлган даврлар ҳақидаги маълумотлар бор экан, холос.

Шу куни 12 30 да Берлиндаги малака ошириш институтида бўлиб, баъзи маълумотларга эга бўлдик. Германияда 16 та малака ошириш институти бўлиб, уларнинг барчаси ўзаро ҳамкорликда ишлашади. Германияда ўқитувчиларнинг малака оширишлари ихтиёрий бўлиб, малака оширган ўқитувчи сертификат олади. Малака оширишда лекция ўқиш учун ортиқча иш кучларидан (ишсиз ўқитувчилардан) фойдаланилади.

Интеграл фанлар фақат гимназияларнинг юқори 11-, 12-ва 13- синфларидагина ўқитилади. Берлинда хусусий мактаблар ҳам бўлиб, шулардан энг машҳури Вальдорф мактабидир.

18 июн куни Ғарбий Берлиндаги озод университет ректоратида қабул маросимида иштирок этдик. Қабул маросимини ректор жаноб Фон Фрикс ўтказди ва баъзи қизиқ маълумотларни гапириб берди. Университет ўз герби ва шиорига эга. Университетнинг бир километрлик радиуси ичида 12 та Нобель мукофотининг лауреатлари (шу жумладан машҳур Эйнштейн ҳам) яшаб, ижод этишган. Илгари университетнинг 24 факультети бўлган. Ҳозирги кунда факультетлар сони 12 тадир. Ғарбий Германиянинг бирлашишидан кейин университет анча инқирозни бошидан кечирган...

Ўрни келганда шуни айтиш жоизки, ҳар икки Германия бирлашгач, улардаги иқтисодий тафовут кўзга яққол ташланиб қолди. Биз илгари (собиқ СССР вақтида) ўқувчиларга социалистик лагерь мамлакатлари ичида энг кучли ривожланган мамлакатлар деб собиқ СССРни, Чехословакия ва Германия Демократик Республикаси (ҒДР)ни кўрсатар эдик. Ваҳоланки, ҳар икки Германия бирлашгач Германия Демократик Республикаси (Шарқий Германия) энг қолоқ ўлка сифатида эътироф этилди ва ҳозирги кунда ҳам шундай қарашлар мавжуд. Ҳукумат Шарқий Германияни Ғарбий Германия даражасига етказиб олиш учун ҳар йили миллиардлаб марка пул ажратишга мажбур бўлмоқда. Ҳатто Ғарбий Германия секторида бўлганимизда маориф ходимлари ҳам ўз норозиликларини яширмадилар.

Уларнинг фикрига кўра, ҳар икки Германиянинг бирлашуви, Берлин шаҳрига пойтахтлик мақоминиг берилиши, унинг пойтахт сифатида қайта таъмирланаётганлиги, буларга ажратилаётган миллиардлаб маркалар Ғарбий Германия иқтисодининг издан чиқишига олиб келмоқда. Ўқитувчиларнинг ойлик маошлари бир хил (3 - 5 минг марка) бўлгани ҳолда ҳафталик иш соатлари ҳар хил (Ғарбий Германияда 25 соат, Шарқий Германияда 18 соат). Ғарбий Германияда ҳар хил сабаблар билан ўқитувчиларнинг кўпи ишдан бўшатилгани ҳолда Шарқий Германияда ўқитувчилар контингенти сақлаб қолинган.

Шу куни кундуз соат 14 00 да фан ва таълим тизимидаги профсоюз биносида жаноб Цзензе Германияда ўқитувчиларнинг ижтимоий ҳаёти ҳақида маъруза қилди.

19 июнь (шанба) куни биз учун дам олиш куни бўлди. Шаҳар билан танишдик. Шанба ва якшанба кунлари берлинликларнинг кўпчилик қисми шаҳардан ташқарига (далаҳовлиларга) чиқиб кетишар экан. Қолганлари шаҳарнинг гавжум майдонларида маданий ҳордиқ (концертлар, ўйин-кулгилар билан) ҳордиқ чиқаришар экан. Шаҳар транспортига эътибор бердим. Бironта автомобилдан тутун чиқмайди. Метро поездлари ер остида ҳам, ер устида ҳам қатнар экан. Шаҳар ичида ва шаҳарлараро электр поездлари тиним билмай, тўхтовсиз ўтиб туради. Троллейбуслар умуман йўқ. Унинг ўрнига тезюрар трамвайлар (икки вагонлик) тез-тез қатнаб туради. Шаҳар кўчаларида велосипед ҳайдовчилари учун алоҳида йўлка ажратилган. Пиёдалар учун алоҳида. Кўчалар топ-тоза. Бекатларга юмшоқ ўриндиқлар қўйилган. Ҳафта давомида шаҳар кезиб, бирорта мўридан тутун чиқаётган жойни кўрмадим. Демак шаҳар саноат корхоналарида экологияга катта эътибор берилиб, саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришда экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун ишлаб чиқаришда энг сўнгги технологик жараёнлардан фойдаланишар экан. Ваҳоланки, Берлин йирик саноат маркази бўлиб, унда турли транспорт воситалари, халқ истеъмоли буюмлари ва кўплаб бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарилади.

20 июнь куни эрталабки нонуштадан кейин махсус автобусда Ғарбий Берлиндаги Берлин-Тегел аэропортига элтиб қўйишди. Маҳаллий вақт билан 11 35 да биз тушган Туркия ҳаво йўллари авиакомпаниясига қарашли «Боинг 737 - 400» русумли ҳаво лайнери Берлиндан парвоз қилиб, маҳаллий вақт билан 13 45 да Истамбулга қўнди. Кечқурун маҳаллий вақт билан 23 45 да биз тушган «Боинг-737-800» русумли ҳаво лайнери Истамбулдан парвоз қилиб, маҳаллий вақт билан 5 30 да Тошкентга қўнди. Бизни Қуёш ила Тошкент шаҳри қаршилади.

Албатта, бу сафаримиз биз учун жуда қимматли бўлди. Ахир халқимизда «Ўн марта эшиттандан, бир марта кўрган афзал» деган мақол бор. Биз ушбу сафаримиз чоғида қисман бўлса-да, Туркия билан танишдик. Германиядаги таълим тизимини ўз кўзимиз билан кўриб, ўргандик ва шунга амин бўлдикки, ҳар икки Германияга хос аммо бизнинг таълим тизимимиздан фарқ қилувчи томонлари бор экан. Булар:

Биринчидан, Германиядаги ўқув даргоҳларининг жуда кучли замонавий техник воситалар билан жиҳозланганлигидир.

Иккинчидан, Германиядаги нормал ахлоқий ҳолатларининг бизга бегоналиги.

Учинчидан, Германияда бизга хос, бўлган ягона Давлат ўқув дастурининг йўқлиги, унинг ўрнига рамкали дастур бўлиб, унда ўқувчи ҳар бир фандан олиши лозим бўлган билим ҳажми берилади. Тахминан биздаги Давлат ўқув стандартига ўхшаб кетади. Ушбу рамкали дастур (Германиянинг 6 та ҳудудида) бир хил ёки қисман ўзгарган ҳолатда бўлиши мумкин.

Ўқувчи ана шу рамкали дастурни олгач, унда белгиланган билим ҳажмини ўқувчига бериш учун, ўзи ўқув иш режасини тузиб, хоҳлаган дарслик ёки қўлланмалардан фойдаланиб дарс ўтиш ҳуқуқига эга.

Тўртинчидан, ўқувчилар билимини аниқлашда 100 баллик баҳолаш системасининг йўқлиги.

Хайрулла ИНОҒОМОВ,
Қибрай туманидаги 16-мактабнинг география фани муаллими, Ўзбекистон халқ ўқитувчиси

Муҳтарам газетхон! Ёдингизда бўлса, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов Фармони билан 8 нафар спортчимизга «Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвони берилган эди. Ўзбекистон Республикаси умумий ўрта таълим муассасалари учун тавсия этилган ўқув режасида I-IV синфларда «Одобнома» ҳамда жисмоний тарбия предмети таркибида «Ўзбекистон ифтихорлари» махсус курсининг ўтилиши кўзда тутилган. Ватанимиз ифтихори бўлган спортчиларимиз ва уларнинг устозлари ҳақида аввал ҳам газета саҳифаларида ёритилган эди. Анъанага кўра, улар ҳақида туркум мақолалар бериб боришни давом эттирамиз. Қуйидаги мақола ҳам шу асосда ҳукмингизга ҳавола этилмоқда.

JASORAT QASRIGA YO'L TOPGAN YIGIT

Muhammadqodir Abdullayev 1973 yil 11 noyabrda Andijon viloyatining Oltinko'l tumanida tug'ilgan. 13 yoshidan boks bilan shug'ullangan. O'zbekistonning ko'p karra chempioni. 1996-yilda Amerika Qo'shma Shtatlarining Atlanta shahrida o'tgan Olimpiada o'yinlari qatnashchisi.

Jahon Kubogi musobaqalari g'olibi.

Tailand poytaxti Bangkokda o'tgan Osiyo o'yinlarida oltin medalni qo'lga kiritgan. U sportning katta yutuqlari uchun «O'zbenkiston iftixori» faxriy unvoni bilan taqdirlangan.

Muhammadqodir o'n uch yoshga to'lganida otasi «Bismillohir rahmonir rohiym» deya o'g'lini etaklab, Andijon shahriga yo'l oldi. Ota-bola to'g'ri o'sha paytda «Spartak» deb ataladigan stadiongakelishdi. Yoqubjon aka bu erdagi boks maktabi murabbiysi Durdiali O'zg'inovga maqsadini aytdi.

Kunlar, oylar bir-birini quvib o'taverdi. Muhammadqodir kamtarligi, odobliligi, tirishqoqligi bilan boshqalardan ajralib turardi. U topshiriqlarini bekamu-ko'st bajarishga intilardi.

Odatda murabbiylar shogirdlaruga ko'rsatmalar bergach, ular mashqlarni qanday bajarishlarini kuzatib turishadi. Bir kuni Durdiali aka Muhammadqodirga navbatdagi ko'rsatmalarni berdi-da zaldan tashqariga chiqib ketdi. Birozdan so'ng qaytib kelib, qiya ochiq eshikdan Muhammadqodirni kuzata boshladi...

Ko'p emas, oz emas, uch yil orasida Muhammadqodirni butun viloyatda tanib qolishdi. Ko'rinishidan bo'sh-bayovgina bo'lgan bu yigitcha ringda hammani hayron qoldira boshladi. Ubga respublika terma jamoasi murabbiylari nazari tushib qoldi. Uni respublika va xalqaro miqyosdagi musobaqalarga taklif eta boshlashdi.

Muhammadqodir Respublika terma jamoasiga qabul qilingach, unga Mars Qo'chqorov va Aleksandr Razmaxovlar murabbiylik qila boshladilar. Yangi murabbiylar unga talabchanlikni yanada oshirishdi.

Muhammadqodir hech qachon charchadim deb nolimasdi. Qunt va chidam bilan mashqlarni davom ettiraverdi. Mehnat qilgan murodiga yetadi, deganlaridek andijonlik yosh sportchi Osiyo va Jahon chempionatlarida qatnasha boshladi. U bunday musobaqalarda goh ikkinchi, goh uchinchi o'rinlarni olardi. Birinchi bo'lishga har doim nimadir kamlik qilardi.

«1997 - yilda Ruslan Chagayev jahon chempioni bo'ldi», - deydi Mars Qo'chqorov. Ana shundan so'ng Muhammadqodir mashqlarga yanada qattiq kirishdi. Hammadan ko'p mashq qiladigan bo'ldi. Bir yil orasida u dunyoning eng kuchli bokschilaridan biri deb tan olindi.

U 1998-yilda jahon kubogi musobaqasida birinchi o'rinni egalladi. Mutaxassislar Muhammadqodirni «Eng yaxshi bokschi» degan maxsus sovrin bilan bilan taqdirlashdi. O'sha yili u Tailand degan mamlakatda o'tgan Osiyo o'yinlarida ham g'olib chiqdi. Muhammadqodirning g'alabalari sharafiga dunyoning turli shaharlarida davlatimiz madhiyasi yangray boshladi. Endi Muhammadqodir bilan nafaqat ota-onasi, mahallasi, balki butun Respublikamiz xalqi faxrlanadigan bo'ldi.

Muhammadqodir esa ilgarigidek kamtar va odobli. O'zini sira katta tutmaydi. Hammaga qo'lini ko'ksiga qo'yib salom beradi. U biror kishiga qo'pol gapirgani yoki maqtanganini hech kim ko'rmagan. Shuning uchun do'stlari ham uni juda hurmat qilishadi.

«O'ZBEKISTON iftixorlari» тўпламидан олинди

БАРКАМОЛЛИК ЙЎЛИДА

Президентимиз томонидан 9 май — «Хотира ва қадрлаш куни» деб эълон қилиниши ёш авлодни давр руҳига мос, ақлли ва билимдон, энг муҳими, ҳозиржавоб қилиб тарбиялаётган халқ таълими ходимлари олдига ҳам янада масъулиятли вазифаларни қўйди. Жойларда шу кунга аталган турфа тадбирлар, давра суҳбатлари, уруш ва меҳнат фахрийлари билан учрашувлар, қизиқарли спорт мусобақалари ўтказиляпти.

Пойтахтимизнинг Сирғали туманидаги 304-мактабда уюштирилган футбол мусобақаси ҳам шундан нишона. Унда VI-IX синф болалари жамоа бўлиб, қизиқарли ўйинлар намойиш этишди. Унга кўра IX «Б» синф йигитлари мутлақ ғолиб бўлишди. Тадбирдан асосий мақсад шунчаки тўп тепиш эмас, балки ўқувчиларнинг жисмоний бақувватлигини ошириш, руҳан бардам қилиш, келажакдаги баркамоллигини таъминлашдир. Баркамол ёшлар эса тараққиётимиз пойдевори саналади.

М. ХОЛМУРОДОВА

ИЛК БОРА

Илк бора танидим
Онамни, Отамни,
Сўнг номим тилга олиб таниганларни.
Танидим эшигим,
Танидим хонамни,
Танидим ширин сўз, "бақирганларни..."
Танидим шамолни,
Ўйнатиб кокилин
Тебратгач теракнинг шилдироқ шохларин.
Ҳовлимиз юзига барг деган ёғилиб
Келганда
танидим қишлоғим боғларин.
Сўнг мени чорлади далаю қир саси,
изма-из югурдим,
бормиз деб
тенг-тўшлар.
Кенгайиб кўкрагим,
Кенгайиб ҳавасим
Қулоққа урилди минг турли товушлар.
Севинчим тошдими,
Мен тошдим, билмадим,
Билмадим
Кўзларим ўрганди кенгликка.
Бобомлар ёнидан
Мен бери келмадим,
Қирғийлар қўнади
деганда дўнгликка.
Қирғийми,
Бургутми,
Лочинми, шиддатли
тикилсам учдилар
шириндек жон-тани.
Мен шунда танидим
Ўзимни, Ватанни.
Илк бора танидим
Онамни, Отамни,
Сўнг кўчам,
Йўлагим, эл билган номимни.
Танидим қавмимни,
қўл очиқ-ҳотамни,
Қуёшдан нусхаси олинган нонимни.

Ko'ngil bitiklari

ЎЗБЕКНИНГ БУЮКЛАРИ

Ўзбекнинг буюклари
бир эмас, ўнта эмас,
Ҳар дарахт соясида очилган китоб ётар.
Тонг отиб
Қуёш томон эшигингни очсанг бас,
остонангни муқаддас тут деган хитоб ётар.
Ерга дон сочар-сочмас,
Қизиб турган тандири,
Фол очиб эртасини
Қилавермас каромат.
Панжалари қатида куч-қудрати, тақдири,
Эрта-кеч дуо қилар
жонинг бўлсин саломат.
Жони бўлса саломат
қир ошар, тоғлар ошар
Ризқу рўз топиб борар
ҳолвапаз бешиксозга.
Ёруғликка интилиб,
Ёруғлик истаб яшар.
Этагин силтаб ўтар
минғирлаган овозга.
Кўп кўрди у даҳрийин,
Яна баттарийларни.
Инсоф тилади мудом, қалбингда
сўнмасин нур.
Ўстирди жўмардларни,
Ўстирди парийларни.
Қадами теккан ерда нур ўйнаб,
Нур айланур.
Борлиги унинг бахти,
ғаниматдир ҳар нафас
Ким айтар бу дунёнинг
йўқдир ёмғир , қорлари.
Елкасига бир умр
офтоб тегиб турса бас,
Кўзин очмай уйғонар эртанги баҳорлари.
Ўзбекнинг буюклари
гоҳ қанд, гоҳи панд еган,
Ватан деган,
Ватанга юрагим пайванд деган.

Сафар БАРНОЕВ

Xullas...

«ЯШИЛ ДЎСТЛАР»НИНГ ҚИЗИЛ ЧИРОҒИ

Москва шаҳар Думаси томонидан қабул қилинган «Яшил дарахтзорларни ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун Россияда катта шов-шувни келтириб чиқарди. Ҳукуматнинг талаби: «Биттасини кесдингми, марҳамат қилиб иккитасини ўтқаз». Бу — қурилиш кетаётган жойда рўй берадими, транспорт ҳаракатига халақит берадими, ҳукуматнинг бу билан иши йўқ.

«Яшил дўст»ларни ўзбошимчалик билан кесган жисмоний шахслар энг кам иш ҳақининг 10 баробари, лавозимдор шахслар 20 баробари, қонундан жуда яхши хабардор кишилар, яъни юридик идора хизматчилари 100 баравари миқдорида жарима тулашлари шарт...

Қонун шафқатсиз, аммо унинг замирида бир дунё эзгулик етибди.

«САНЪАТ — МЕНИНГ СОҲИБАМ»

Россиялик эстрада юлдузи Валерий Леонтьев 50 ёшни уриб қўйди. Аммо қўшиқчи буни тан олгиси йўқ. У ҳамон ёш йигитлардек жўшқин, қўшиқлари жозибадор, ҳиссиётга бой.

Коми республикасининг Уст-уса қишлоғида туғилиб ўсган Валерий Леонтьев анчагина касбни кўриб қўйган: почтачи, электрик, модельер... Аммо буларнинг баридан қўшиқчилик устун чиқди.

1979 йилдан илк қўшиқлари орқали мухлисларни ром этган қўшиқчи, ҳалиҳануз эътиборда ва изланишда. Икки марта уйланган хонанда ҳозирда бўйдоқ. «Қўшиқлар оиладан ҳам устунроқ туради» дейди артист ўз мухлисларига.

МИНИ ЮБКА ТАЪҚИҚЛАНАДИ

Дормстон шаҳарчасида (Англия)ги мактаблардан бирида мини юбка кийган қизлар дарсга киритилмайди. Бунга ишониш ҳам қийин... Европадаги энг ривожланган мамлакатда-я.

Юбканинг белгиланган узунлиги — тиззадан 5 см юқори бўлмаслиги лозим. Бу — амалдаги қоида. Мактаб директори Барбара О' Коннорнинг таъкидлашича, белгиланган тартиб отаоналар қўмитасининг талабидан келиб чиқди. Гап шундаки, болалар ўз уйларига катта трактдаги йўлдан кетишади. Ва табиийки, ҳайдовчилар калта юбкали қизларни ўз машиналарига таклиф этиш ҳоллари учрайди. Ҳаттоки, дискотекадан қайтаётган икки қиз номаълум шахслар томонидан ўлдирилган.

Калта либос ўрнини эгаллаган узун юбка қизларни бало-қазолардан асрамоқда, деб хабар беради Лондонда чиқадиган газеталардан бири.

МЕРОС ЭГАСИНИ ТОПДИ

АҚШда бандаликни бажо келтирган россиялик киши ўз меросини қариндошларидан бирига қолдирди. Мерос ўз эгасини 10 йил «ахтарди».

Москванинг Ильинск туманида яшовчи меросхўр М. 80 ёшдаги кампир бўлиб, амакисини ўлимидан икки йил аввал кўрган эди. Афсуски, марҳум меросхўрнинг манзилини аниқ-тиниқ кўрсатмаган экан.

Адвокат бу туманда яшовчи М. исмли кампирларнинг барчасини АҚШ элчихонасига таклиф этгач, мерос ўз эгасини «топди», деб ҳикоя қилади маъмурий ишлар бошқарувчиси Анна Куликова.

ana shunaqa gaplar...

Sport

ПЕШҚАДАМЛАР МАҒЛУБИЯТГА УЧРАШМОҚДА

Бирмунча шов-шувларга сабаб бўлган футбол бўйича Узбекистон чемпионати олий табақа жамоалари беллашувининг 17-турида натижалар қуйидагича бўлди:

«Навбаҳор» - «Дўстлик» -1:0,
«Янгиер» - «Самарқанд» -3:1,
«Пахтакор» - «Андижон» - 3:3,
«Сўғдиёна» - «Насаф» - 1:0,
«Нефтчи» - «Сурхон» - 4:2,
«Бухоро» - «Хоразм» - 3:1,
«Металлург» - «Зарафшон» - 0:0,
«Темирйўлчи» - «Трактор» - 3:2

ОМАДДА ҲАМ ГАП КЎП

Янги зеландияликлар регби бўйича ўзларида ўтказилаётган жаҳон чемпионатида жамоаларининг ғалабасига қаттиқ ишонишганди. Аввалига натижалар кўнгилдагидек кетаётгандию, фақат финал баҳсида майдон эгалари Жанубий Америка Республикаси спортчиларига ютқазиб қўйишди-да.

ҚОСИМОВ ЯНА «АЛАНИЯ»ДА

Моҳир футболчи «Пахтакор» ва Ўзбекистон терма жамоаси дистпетчери Миржалол Қосимов яна Россия сари сафар уюштирди. У эски қадрдони Владикавказнинг «Алания» клуби билан шу йилнинг ноябрь ойигача мусобақаларда тўп суриш ҳақида шартнома тузди.

ЎРТОҚЛИК УЧРАШУВИ

Ўзбекистон терма жамоаси футболчилари нечоғли маҳоратга , куч-қудратга эга эканликларини билмоқ учун навбатдаги ўртоқлик учрашувини Озарбайжон терма жамоасига қарши ўтказишади. Ўйин 18 август куни Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтади.

КИМГА ТЎЙ, КИМГА АЗА

Мамлакат футбол терма жамоасининг «Конфедерация кубоги»ни қўлга киритиши мексикаликларнинг барчасига бирдек шодлик келтирмади. Йирик ғалабани муносиб тақдирлаш учун эҳтиросларга эрк берган ашаддий «фанат»ларнинг мамлакат пойтахтида келтириб чиқарган талотўплари оқибатида уч киши ҳалок бўлди ва ўнлаб кишилар жароҳатланди.

maydonchasi

АЗИМ ОТАНИНГ АЁЛИ

Timsol

Рисолат момо ҳақида эшитганингиз бор. Ҳув бирда менга (мен орқали сизга) арзи ҳол этган Азим отанинг кампири. Ўзи ҳам Азим отага ўхшаб бир бурдагина бўлиб кўринса-да , қўл-оёғининг ҳадиси мингта ишнинг елкасини ерга теккизгулик.

«Аёлнинг ихчам бўлгани тузук экан. Юмалоққина бўлиб олиб сабзи-пиёз ўтоқ қилаверасан» - Рисолат момонинг салкам етмиш йиллик умри давомида ўзлаштирган фалсафаси бу.

Эрта кўкламдан то кеч қизил чувиққача момо Азим ота билан ҳам томорқада қуймаланишади, ҳам уй-жойни сариштa қилади. Қишлоқдагиларнинг гапига қараганда Азим отанинг баракаси момонинг шарофатидан эмиш. Яна ким билади дейсиз. Ҳар ҳолда халқ билмаса гапирмайди.

Бунинг устига, момо гапга чечан, маталга уста. Маҳаллада кўзи хиралашиб, ўтириб қолган. Обидим ҳали қўлимдан тушган эмас, эмизикли. Тирикчилик бусбутун ўзимга тушди-қолди. Далага чиқаман. Пешинда келиб боламни эмизиб кетаман. Кечқурун мол-ҳол (биттагина тирриқ сигиримиз қолган, лекин унга ҳам қаров керак-ку), қозон-=товоқ . Ишлар селигандан кейин, ўратепалик дўппидўз тожик хотин бор эди, шунинг бичиш-тикишига қарашаман. Ҳафтада биттангаяримтанга бериб туради. Бир кило буғдой бўрдоқи новвосди пули бўлган пайтларда буям ҳарна-да.

Одамзод тош-метин экан. Шу кўргиликлар ҳам ўтди-кетди. Отанг балонинг оғзидан саломат қайтди. Эркакнинг ўрни бари бир бўлакча. Бўйинтуруқни яна қўш ҳўкиз бўлиб бўйинга илдик. Рўзғоримиз анча жунашиб қолди. Мана шундан буёғи ҳар ишда иккаламиз бақамти. Сенга бир гапни айтайми? Бир-биримизни аяганимиздан шундай қиламиз. Арава майиб қилмасин деймиз-да.

2

— Қандай турмушга чиққанимни сўраяпсан-да. Бэ-э, яхши кўриш қаёқда эди?!

Уйимизга бир-икки дафъа хотинлар келиб юришди. Бир куни тўйқус раҳматли онам «Раҳим чоракорнинг ўғлига нон ушатдик» деди. Кейин тўй бўлди. Ҳозиргига ўхшаган дов-дастагу қўша-қўша мошиналар қаёқда дейсан?! Битта-нари борса иккита шотили қўқон аравада кириб бориларди, қуёвникига. Битта ғижим шол рўмол, нимча, иккита қарғашойи кўйлак, махси - калиш. Онам қилган сеп шу. Айтганча, у пайтларда «фалон нарса кам бўлибди, пистон нарса етишмаяпти» деган фикрнинг ўзи йўқ эди. Биласанми, нимага? Одамлар енгил-елпи пул топмасди. Бир танга ҳам хўп меҳнатнинг орқасидан келарди. Ҳозирчи, ё тавба, қизини буюмдай бозорга солишади. Тўйнинг ичида юраман, шундай нарсалар қилишадики, номига тилим айланмайди. Ё меҳнатнинг қадри қолмади, ё одамлар меҳнат қилмай кўйди. Бебиликса пул кўпайиб кетди. Аммам раҳматли айтардилар «енгилни ел кўтаради» деб. Оиланинг омонатлашиб бораётганлиги шунданми, деб қоламан.

3

— Фарзандсиз ўзбек ўзбекми?! Машойихлар ҳам топиб айтган «ўнта бўлса ўрни, қирқта бўлса қилиғи бошқа» деб. Фарзанд берган худо ризқиниям беради. Қийинчилик демай, иссиқ-совуқ демай етти таситасини ундириб, ўрнига кўйдик. Ҳозиргиларда-чи,битта-иккита, ғайрат қилганида учта. Узимнинг неваларимдан қиёс қилиб гапираяпман. Ҳа, десанг оғзингга замонни қопқоқ қилиб ёпишади. Тушунмайсиз, дейишади...

4

— Хўп, замонлар келди-да. Шаҳарингни билмадиму, қишнинг кайвониси. Тўй-аза, маъракаларда аёлларга ишбоши.

Узун қиш кечалари (бошқа маҳаллар ғимир-ғимирдан ортмайди) момонинг гурунгини кўп олганман. Унинг жайдари, ҳаётнинг нуқси мана-ман деб турувчи содда фалсафаларидан кўп баҳраманд бўлганман. Ниятланганим, Рисолат момонинг гурунгларидан сизни ҳам воқиф этиш.

1

— Эр-хотин — қўш ҳўкиз. Рўзғорнинг аравасини бирга - бирга тортиш дегани-да бу. Акс ҳолда бу юк ҳар қандай гўрзибоздай одамни ҳам «вийт» этиб майиштириб қўяди. Хотин дегани «берсанг ейман урсанг ўламан» деб ўтиргани билан рўзғорда барака бўлармиди?! Икки бош бир бўлиб ҳаракат қилса турмушга маза киради.

Уруш пайтлари эди . Азим отанг пронтга кетган. Энди ўн саккизларга кирганман, дегин. Худо раҳмат қилгур қайнонам лоқдагиларга кун туғди десам, лоф эмас. Ё тавба, бир пайтлар Азим отанг томорқамиздан тўрт чўқим нарсани бозорга олиб чиқса, «испекулян« деб ёқасига ёпишишарди. Пошшомиздан айланай, таноб-таноб ер берди. Экин қил, фойда кўр, қандингни ур деяпти. Савхўз бизга ҳам ер берувди. Бўғдой сепувдик. Қандигимиз донга тўлди. Энди, худо умр берса, қиши билан нонимиз бўлади. Нон бор жойда ризқ-насиба узилмайди. Ишқилиб, яратган ризқ-насибадан айирмасин.

XXX

Рисолат момонинг унда-мунда айтган, ўзимга қайд қилиб қўйганим гаплари бу. Алоҳа, ушмундоқ фикрга келдимки, юртимизнинг хоҳлаган ерида яшаётган истаган момо ҳам шундай мулоҳаза юритади. Чунки уларни битта ном бирлаштиради — Ўзбек аёли. Унинг бошқа юрт аёлларидан фарқи ҳам ана шу бирбутунлигида.

Асқар ШОКИР

Болаликнинг қувноқ онлари

КИТОБХОНЛАР ПАЙРОВИ

Абдуқаҳҳор:
— Дўстларим, бир йиғилиб қолибмиз, китоб пайрови қилсак. Нима дейсиз, Собиржон, Ҳамид Ғуломдан «Фарғона ҳикояси»ни айтиб берасизми?

Собиржон:
— Э, Мулла Абдуқаҳҳор, сиз мандан «Фарғона ҳикояси»ни сўраяпсизу, Давронжон меҳмонхонадаги аҳволимизни эслаб бу - «Тошкентга саёҳат» деяптилар.

Давронжон:
— Тўғри айтасиз, Собиржон. Репетицияларимиз худди «Тошкентга сайёҳат»га ўхшади-да. Айниқса, Саидазизга. Бу ёқда бизнинг хонамиз, у ёқда қизларники — бу киши бўлса, «Икки эшик орасида» қолдилар.

Саидазиз:
— Ман «Икки эшик орасида» қолган бўлсам, Беҳзоджондан ҳол сўранг.

Абдуқаҳҳор:
— Ҳа, нима бўлди?

Саидазиз:
— Қўлларида Неъмат Аминовнинг китоби, ёнларида бир наманганлик, «Қирқ учинчи почча»ни топдим деб юрибдилар.

Абдуқаҳҳор:
— Жуда вақтида кўриб қолибсиз. Беҳзоджон доим шунақа. Ҳеч кимга билдирмай «Сеҳрли қалпоқча»сини ишлатиб юради. Мана энди — «Сир очилди».

Беҳзоджон:
— Бу «Қўҳна дунё»да дўстим. «Эр бошига иш тушса» шунақа бўлади. Ўзингизнинг ҳам «Минг бир қилиғингиз» бор экан, маълум бўлди-ку.

Абдуқаҳҳор:
— Беҳзоджон, шуям «Минг бир қилиқми?». Кўпчиликдан қолманг, десам, кўнмадингиз. Бир кишилик хонангизга Давронжон билан тароқ сўраб борсам, «Эшик қоққан ким» дедингиз, Давронжон овозини ўзгартириб, «Темир хотин» деган эди, «Алвидо, болалик» деб чироқни ўчириб олдингиз.

Давронжон:
— «Дунёнинг ишлари» шунақа экан-да, Абдуқаҳҳор. Марғилонда кўрмаганингизни Тошконда кўраркансиз. Собиржонга кўлингиздаги «Гулдаста»ни музқаймоқ сотувчи қизга бериб қўя қолинг десам, «Одамлар нима деркин» деб кетиб қолдилар.

Собиржон:
— Давронжон, эрталабдан буён ўзингизни қўярга жой топа олмаяпсиз. Ё менга берган маслаҳатингизга ўзингиз амал қилиб «Сирли соҳил»да «Нотинч кеча»ни ўтказдингизми?

Саидазиз:
— Давронжон, «Ақлли болалар» «Сенга нима бўлди» деб ўтирмайди. Ё бугунги мусобақани ўйлаб «Ғалати туш» кўрдингизми?

Абдуқаҳҳор:
— Сиз бошқача тушунибсиз. Давронжонга ҳеч нима бўлгани йўқ. Поездда менинг «Латифалар»имни билдирмай олиб қўйгандилар, ўзимча уриб қўйибсиз-а, десам, Беҳзоджонга ишора қилиб, деяптилар: «Ўғрини қароқчи урди».

Беҳзоджон:
— Пайров. Пайровнинг қисқаси пайров. Ҳаддан ошиб, дўстлар бўлмасин эгов.

Абдуқаҳҳор:
Тўғри айтасиз, «Гаплашадиган вақтлар» келди. «Она юрт»да доимо «Ҳаёт чечаклари» кулсин. Сўз санъатининг заргарлари «Истиқлолга қасида» айтиб, «Баркамол авлод орзуси»га етсинлар.

Тоҳиржон АЛИЕВ,
Марғилон шаҳар «Истиқбол» гимназиясининг олий тоифали она тили ва адабиёт ўқитувчиси

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир
Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: **Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (масъул котиб), Шукур ЖОНБОЕВ, Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Нўъмонжон РАҲИМЖОНОВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Йўлдош САИДЖОНОВ, Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ**

Рақам ва далиллар ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга жавоб қайтарилмайди. «Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси,32. ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—136-56-42, хатлар ва оммавий ишлар бўлими—136-55-58.

Газетани IBM компьютерида Малоҳат ТОШОВА саҳифалади. Навбатчилар: Дилбар ХЎЖАЕВА, Алишер НАЗАРОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20. ИНДЕКС: 149, 150. Г-0641. Тиражи 24.190. Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2.

«Шарқ» нашриёт матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти -20.00. Топширилди — 20.00.